

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ҚИШЛОҚ ВА СУВ ХЎЖАЛИГИ ВАЗИРЛИГИ

САМАРҚАНД ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИК ИНСТИТУТИ

ОЛИЙ МАТЕМАТИКА ВА АХБОРОТ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ КАФЕДРАСИ

Тасдиқлайман:
«Олий математика ва ахборотлар
технологиялари» кафедраси
мудир: _____ доц. Х.Урдушев
« _____ » _____ 2012 й.

"ИНФАРМАТИКА ВА АХБОРОТ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ" ФАНИДАН КУРС ИШИ

Мавзу: Ахборот ресурслари – ахборот технологиясининг асоси сифатида

2011- 2012 ўқув йили

Бажарди: Шокиров Темур _____
(имзо)

Агрономия факултети _____

1-боскич _____ - гуруҳ талабаси

Раҳбар : Эшонкулов С _____
(ф.и.ш) (имзо)

Комиссия раиси: _____

А'золари: _____

Сана: _____

Самарқанд-2012

“Тасдиқлайман”
“Олий математика ва ахборотлар
технологиялари” кафедраси
мудир _____ доц. Х.Урдушев
« _____ » _____ 2012 й.

**Информатика ва ахборот технологиялари фанидан
БАЖАРИЛАДИГАН КУРС ИШНИ ТОПШИРИҚ ВА БАҲОЛАШ ВАРАҚАСИ**

Шокиров Темур (ф.и.ш) Агрономия факултети _____,

1-босқич _____ - гуруҳ талабаси

Раҳбар: Эшонкулов С

МАВЗУ ТОПШИРИҒИ БЎЙИЧА ВАЗИФАЛАР:

1. Ахборот ресурслари – ахборот технологиясининг асоси сифатида

мавзусидаги топшириқ

2. Дастлабки маълумотлар: Курс иши мавзусига оид конспектлар, амалий ва лаборатория
машғулотларни ўрганиш, бажариш ва ўзлаштириш

3. Фойдаланилган материаллар:

Кафедрадаги 1) Информатика ва ахборот технологиялари фанидан электрон ўқув-услубий
мажмуа; 2) <http://www.ziyounet.uz>- ахборот таълим тармоғи ресурслари ва
[3;5;15;18;26;28;29;39;45] адабиётлар

4. Қўшимча вазифа ва кўрсатмалар Курс ишида “Ахборот ресурслари – ахборот
технологиясининг асоси сифатида мавзусида интернетдан маълумотлар келтирилсин.

Курс ишини топшириш муддати: _____

Талаба _____
(имзо) (ф.и.о) (сана)

1	2	3	4	Тушунтириш хати	Ҳимояга рухсат берилди, (рухсат берилмади)
Курс иши раҳбарининг имзоси					

Курс ишини баҳолаш	Максимал балл, жами	Курс ишини тайёрлаш учун, балл ОБ	Курс ишини ҳимояси учун, балл ЖБ	Курс иши ҳимоясида саволларга жавоб бериш учун балл ОБ
Курс ишини баҳолаш	100	0- 40	1- 30	1- 30
Талабанинг тўплаган бали				

Раҳбар _____
(имзо) (ф.и.ш) (сана)

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ҚИШЛОҚ ВА СУВ ХЎЖАЛИГИ ВАЗИРЛИГИ**

**САМАРҚАНД ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИК
ИНСТИТУТИ**

**Агрономия факултети
Олий математика ва ахборот технологиялари
кафедраси**



КУРС ИШИ

**Мавзу: Ахборот ресурслари – ахборот технологиясининг
асоси сифатида**

**Бажарди: 104 Гуруҳ:
Шокиров Темура
Текширди: Эшонқулов С**

Самарқанд-2012

Ахборот ресурслари – ахборот технологиясининг асоси сифатида

1.Кириш

2.Ахборот тушунчаси ва тавсифномаси

3.Ахборот ресурслари

4.Ахборот ресурсларини қўллашнинг хусусиятлари

5.Ахборот муҳити, ахборот ҳолати ҳақида тушунча

6.Ахборот маҳсулотларининг бозори ва унинг таркиби

7.Иқтисодий ахборотнинг тузилиши ва туркумланиши

**8.Машинадан ташқаридаги ва машина ичидаги ахборот
та’минотининг тавсифномаси**

9.Хулоса

Кириш

“Ахборот” сўзи лотинча “информацион” сўзидан олинган бўлиб, кутилаётган ёки бўлиб ўтган воқеа, ходисалар тўғрисидаги маълумотларни билдиради.

Кундалик турмушда ҳар бир мутахассис турли хил ахборотлар билан иш юритади. Ахборот тушунчаси бир қанча фанларда турлича изоҳлаган. Масалан: Фалсафада ахборот инсон онгига таъсир этиб, объектив реалликни акс эттирувчи ва ҳаракатлантирувчи категория сифатида ишлатилади.

Кибернетикада, информатика фанида ахборот воқеа - ҳодиса тўғрисидаги билимларни ошириш ёки ноаниқликни камайтириш мезони сифатида қўлланилади.

Компьютерларни ишлатиш фаолиятида эса ахборотдан бошқариш функцияларини амалга оширувчи объект сифатида фойдаланилади. Ахборот тушунчаси маълумот тушунчаси билан узвий боғланган, лекин ҳар қандай маълумот ахборот бўлавермайди.

Масалан: олма десак, бир неча хил маънони тушуниш мумкин: қизил олма деганда, меванинг маълум бир ранги тушунилади, демак барча маълумотлар ахборотга айланиши учун воқеа - ҳодиса тўғрисидаги бутун хусусиятларни ифодалаши лозим.

Ҳозирги кунда барча ахборотларни нисбий ҳолда қуйидаги турларга ажратиш мумкин:

1. Техник ахборот
2. Агробиологик ахборот
3. Сиёсий ахборот
4. Ҳуқуқий ахборот

5. Иқтисодий ахборот ва бошқалар

Ахборотнинг турлари ўзаро боғлиқ бўлиб, бир-бирини тўлдириб боради. Бу ахборотлар ичида иқтисодий ахборот асосий ҳисобланиб, улар ҳажмининг 80% ни ташкил қилади.


Барча ахборотлар қуйидаги хусусиятларга эга:

1. Узлуксиз ҳосил бўлиш.
2. Харф рақамларда ифодаланиш.
3. Дискрет характердалиги.
4. Йиғиш, узатиш, қайта ишлаш ва бошқа амалларни бажариш мумкинлиги.

Ахборот тушунчаси ва тавсифномаси

Ахборот сўзи бирор иш ҳолати ёки киши фаолияти ҳақида маълум қилиш, хабар бериш, бирор нарса ҳақидаги маълумот, деган маънони англатади. Ахборот тушунчасидан инсон фаолиятининг барча соҳаларида фойдаланилади ва шу сабабли ўзининг қатор жиҳатлари билан фарқланади.

Ўз навбатида инсоннинг ихтиёрий фаолияти доираси: шу билан бирга фаннинг ҳар бир тармоғи, ҳоҳ табиий, ҳоҳ ижтимоий бўлсин, ундаги ахборот ўзининг махсус томонлари билан таснифланади.



- ▶ Ахборот назариясида ахборотнинг ҳаракатланиши ундаги ноаниқликларни бартараф этиб боришини та’минлайди.
- ▶ Информатика назариясида сақлаш, қайта тузиш ва узатиш об’екти саналган барча ма’лумотлар ахборот деб юритилади.
- ▶ Иқтисодий — ҳўжалик фаолиятида ахборот деганда атроф-муҳит тўғрисидаги ҳар қандай ма’лумотлар тушунилади
- ▶ Исте’молчи нуқтаи назаридан, ахборот бу энг охирги фойдаланувчи томонидан олинган тушунчалар ва фойдалаи деб баҳоланган янги ма’лумотлардир



Ахборотнинг та’рифи:

Ахборот - бу, яратувчиси доирасида қолиб кетмаган ва хабарга айланган, билимлар ноаниқлиги, тўлиқсизлиги даражасини камайтирадиган ҳамда оғзаки, ёзма ёки бошқа усуллар орқали ифодалаш мумкин бўлган атроф-муҳит тўғрисидаги ма’умотлардир.

Бу жараёнда қуйидагилар муҳим саналади:

- ахборот- бу ҳар қандай ма’лумот эмас, балки у мавжуд ноаниқликларни камайтирувчи янги бир ма’лумот ҳисобланади;

- ахборот - инсон тафаккурида акс этган билимни ифодалайди;
- ахборот белгилар кўринишидаги ма'лум бир тилда ифодаланса хабарга айланади;
- хабар ахборотни узатиш шаклини ифодалайди;
- ахборот оғзаки, ёзма моддий ташувчиларда ёки бошқа усуллар орқали узатилиши мумкин;

Демак, юқорида келтирилганларга кўра ахборот технологиялари (АТ):

- **информатиканинг таркибий қисми ҳисобланади;**
- **усуллар тизими ва ахборотларни йиғиш, сақлаш, излаш, қайта ишлаш, узатиш йўллари ифодалайди;**
- **информатиканинг предмети ҳисобланади, ҳамда бошқарув амалиётини ўтказишни, ишлаб чиқаришни бошқаришни, илмий изланишлар ва иқтисодиётда корхоналарнинг ташкил топишини, уларнинг техник ривожланиши натижасида миллий иқтисодиётнинг янги тармоқларини юзага келтириш жараёнларини ўрганади.**

Информатика ва ахборот технологиялари нуқтаи назаридан ма'лумот дейилганда ахборотнинг компьютердаги тасвири тушунилади.

Академик Петровнинг «Бошқариш назарияси» фанидан тайёрланган электрон ма'рузалар курсида билдирилган фикрига кўра, инсоният борлиқда «Материя, Ахборот, Дунё» дан иборат уч бирликли тизимида фаолият кўрсатади ва бошқарилади (1-расм).

Ахборот ресурслари

Ахборот ресурслари-ахборот тизимидаги (кутубхоналар, архив, жамғармалари ма’лумотлар банклари ва ҳоказо) алоҳида ҳужжатлар ва ҳужжатларнинг бутун бир мажмуини ифодалайди.

Ахборот ресурсларини ахборот тизимидаги барча ахборотлар ҳажми деб тушуниш мумкин. Масалан, мамлакат учун бу мамлакатга оид барча ахборотлар мамлакатнинг ахборот ресурси саналади, иқтисодий об’ект доирасида эса—иқтисодий об’ектнинг ахборот ресурси, деб юритилади.

Ахборот ресурслари— моддий ташувчи воситаларда қайд этилган ва жамият фойдаланиши учун мўлжалланган барча билимлар демакдир.

Ахборот, ахборот ресурслари ҳар доим мавжуд бўлган, аммо уларга ўз хусусиятига кўра, иқтисодий категория сифатида қаралмаган.

Жамият ривожланиб бориши ва технологияларнинг мураккаблашиши натижасида ахборот ҳажми шунчалик кўпайиб кетдики, уни бошқарув соҳасида қайта ишламасликнинг иложи бўлмай қолди.

Бошқарув ирархиясининг пайдо бўлиши, товар-пул муносабатларининг юзага келиши, ҳисоблаш машиналарининг яратилиши бошқарув учун катта ҳажмдаги ахборотларни қайта ишлашда ушбу қийинчиликларни енгиш имконини берди.

Ҳозирги ривожланиш даражаси шу даражага етдики, эндиликда ахборот ҳажми ва мураккаблиги ахборот саноатини яратишни талаб қилмоқда.

Ахборотлар миқдори мамлакат миллий иқтисоди, тармоқ, иқтисодий об'ектлар ривожланишини белгайди.

Ахборот стратегик ресурсга айланиб, ахборот ресурслари эса унинг муҳим турларидан бири саналади.

Ҳозирги пайтда ахборот ҳажмининг ортиши ва унинг мураккаблик даражасининг юксалиши ахборот саноатини барпо этишни талаб этмоқда. Ахборот мавжудлиги мамлакатнинг ривожланиши, тармоқлар, иқтисодий об'ектлар юксалишини белгилаб беради.

Ахборот стратегик ресурс, ахборот ресурслари эса улардан энг муҳими бўлиб қолди. Бу захиранинг умумий фойдаланадиган ҳажми яқин келажакда давлатларнинг стратегик, шу жумладан муҳофаа қобилятини белгилаб беради.

Масалан, ҳар қандай иқтисодий об'ект айрим бир ташқи муҳитда фаолият кўрсатади. Ушбу иқтисодий об'ект ички муҳитни ҳам юзага келтиради. Ички муҳит иқтисодий об'ектнинг тузилмавий бўлинмалари ва у ерда ишловчи ходимлар орқали уларнинг технологик, ижтимоий, иқтисодий ва бошқа муносабатларида шаклланади.

Юзага келиш манбаига боғлиқ ҳолда иқтисодий об'ект доирасидаги ахборот ресурсларини ташкил этувчи ички ва ташқи ахборотлар мавжуд.

Ички муҳит ахбороти одатда аниқ бўлиб, хўжаликнинг молиявий ҳолатини тоуқ акс еттиради. Уни таҳлил этиш кўпинча стандарт фор маллашган процедуралар ёрдамида амалга оширилади.

Ташқи муҳит—иқтисодий об'ектдан ташқарида бўлган иқтисодий ва сиёсий субъектлардир. Бу об'ектнинг мижозлар, воситачилар, рақобатчилар, давлат органлари ва ҳоказо билан иқтисодий, ижтимоий, технологик, сиёсий ва бошқа муносабатларини ўз ичига олади.

Ахборот ресурсларини қўллашнинг хусусиятлари

Ахборот ресурслар турларидан бири сифатида. Ахборот товарнинг ҳар икки хусусиятига: исте'мол қийматининг мавжудлиги (фойдалилиги, кадр-қиммати) ва қийматига (я'ни ижтимоий меҳнатнинг айрим сарфиёти) эга бўлади.

Ахборот ва товарлар сифатидаги буюм-нарсалар об'ектининг умумий ва фарқли хусусиятлари мавжуд.

Бу об'ектларнинг одатдаги маҳсулот ва моддий захиралар билан қуйидаги боғлиқлиги бор: уларга исте'мол сўрови мавжуд; улар мулкӣ об'ектлардир, я'ни уларга эга бўлиш, фойдаланиш ва эгалик қилиш мумкин; улар аниқ ишлаб чиқаравчилар (та'минотчилар)га эга; улар қиймат ва тегишли нархга эга; улар турли шарт-шароитларда етказиб берилиши мумкин.

Бироқ ахборот захиралари ва технологияларнинг ўзаро бир қатор жиддий фарқлари мавжудки, улар қаторига қуйидагилар киради:

- чекланмаган миқдорда сотиш;

- амалий жиҳатдан йўқ қилиб бўлмаслик;
- аниқ фойдаланувчилар шарт-шароитларига индивидуал мослаш зарурияти;
- об'ектларни муаллиф ҳамроҳлигида етказиб бериш мажбурияти;
- нафақат фойдаланиш, балки иккиламчи тиражлашга ҳам турли чекланмалар қўйиш имконияти;
- муаллифлик ёки та'минотчилик ҳуқуқларига риоя қилишни идентификациялашнинг мураккаблиги;
- такрорланувчи об'ектларнинг кўплиги.;
- билвосита ахборотнинг фойдалилиги;
- фойдаланиш натижасида қадрсизланиш;
- баҳолашни олдиндан билиб бўлмаслиги;
- оддий рақобат шароитида таклиф етилган бир ахборот иккинчисининг долзарблик хусусиятини йўққа чиқариши мумкин;
- ҳам сотувчига, ҳам харидорга нисбатан ма'lумотлар ва технологияларни, шунингдек товарни сотиш ёки сотмаслик фактини ҳам махфийсақлаш имкониятининг борлиги.

Фойдаланувчиларнинг қониқиш даражаси қуйидаги ўзаро боғлиқ мезонларга боғлиқ:.

а) сифатига, я'ни ахборот қийматини (фойдалилигини) белгиловчи ахборот эҳтиёжларини харидлаш даражасига;

б) манфатига, я'ни умуман иқтисодий самарадорликни оширишга;

в) ҳаражатларга, я'ни ахборот ҳажми билан белгиланадиган ахборот қийматига. Ахборотнинг сифат хусусиятлари

(фойдалилиги)га: тўлақонлилик, қабул қилишнинг бемалоллиги, долзарблик ҳозир жавоблик, аниқлилик ва ҳоказолар киради.

1. **Тўлақонлилик.** Ахборот тўлақонлилиги об'ект фаолиятининг у ёки бу томонларининг миқдорий ва сифат параметрларини аниқ белгилаш ҳамда мос қарорларни ишлаб чиқаришда ифодаланилади.

2. Ишончлилик қабул қилинадиган қарорлар самарадорлиги сақланадиган етиб келган ва натижавий ахборотларда муайян даражада бузилишларга йўл қўяди.

3. Ахборотни қабул қилишнинг бемалоллиги вақт бирлигида ма'лумотларни қабул қилиш тезлиги билан белгиланади.

4. Ма'лумотларнинг долзарблилиги муайян вақт мобайнида аниқ вазифани амалга ошириш учун яроқлилигини ифодалайди. Шу боис ҳам долзарблилик, ҳозиржавоблилик ва тезкорлик ахборотга хос хусусиятлардир.

5. Кечикмаслик ахборотнинг қулай ёки белгиланган вақтда келиб тушишини англатади. Бу талабни бузиш ахборотни қадрсизлантиради.

6. Аниқлилик унинг тўғрилигини, деталлаштириш даражасини англатади. Ахборотнинг аниқлилиги унинг барча исте'молчилар томонидан бир хил қабул қилинишини та'минлайди.

7. Тезкорлик вақт ўтгач ахборот эскириши ва долзарблилигини йўқотишини акс эттиради.

Ахборот муҳити, ахборот ҳолати ҳақида тушунча

Ахборот муҳити. Ахборот муҳити ўзаро боғланган учта таркибий қисмни ўз ичига олади. Булар: фойдаланувчининг ахборот тузилмаси, ахборот технологияси, бошқарувнинг иштирок этувчи об'ектлари.

Ахборот инфратузилмаси ахборотни ўз мақсадларига эришиш учун фойдаланади.

Ахборот технологиялари фойдаланувчиларни зарур технологиялар билан та'минлаш воситаси саналади.

Ахборот инфратузилмаси доирасида ахборот технологиялари фойдаланувчилари ҳам ўзаро ҳаракатланувчи ўзига хос муҳит сифатида кўриб чиқилади.

Фойдаланувчи керакли ахборотни олиш учун расмий (формал) ва норасмий ахборот тизимлари ёрдамида унинг манбаига мурожат қилиши лозим. Ташқи манбага расмий тизим орқали кўриб борилади. Бу тизим ахборотни рақам ва матнли ма'лумот (статистик ҳисоботлар, китоб, журнал, хабар ва ҳоказо) кўринишида тақдим этади. Ички манбага мурожат қилиш ахборот технологиялари компонентлари-компьютерлар, тизимли ва амалий дастурий та'минот ҳамда зарур ҳолларда коммуникация воситалари ёрдамида амалга оширилади. Ички манбалар норасмий тизим воситасида ма'лумотлар базасидан сўровга жавоб тариқасида фойдаланувчини ахборот билан та'минлайди. Фойдаланувчи расмий ва норасмий тизимга суяниб ижтимоий фаолият, корхона ва иқтисодий об'ект ишини тавсифловчи ахборотни олади.

Ан'анавий ахборот технологияси ривожланиши икки ан'анавий сегмент ма'лумот ва матндан ташқари, яна қўшимча иккита сегмент-тасвир ва нутқни қайта ишлашни та'минлайди.

Ахборот муҳити ахборотни қайта ишлаш, қабул қилиш, ўтказиш ва қидириш қобилиятига кўра қисмларга бўлинади. Ўз навбатида, қайта ишлаш қобилияти ахборот шакл, ҳажм ва ҳаказо белгилар бўйича таркиблаштиришни талаб қилади.

Қайд этиш лозимки, фойдаланувчи ахборот манбаига муҳтож бўлади. Чунки у ахборотни уйғунлаштиришга қанча кўп вақт ва куч сарфласа, самарадорлик ҳам шунча кам бўлади. Фойдаланувчининг фаолият самарадорлигини ошириш учун ахборотни интеграллаш жараёнини турли йўллар билан амалга ошириш мумкин. Интеграллаш жараёнининг даражасини белгилашни янги ахборот технологиялари ШК, МББТлар та'минлайди. Асосий урғу турли хилдаги ахборотни қайта ишлаш имконини берадиган ва ўз ичига интеграллашган ма'лумотларни қайта ишлаш воситалари, ма'лумотлар базаларини бошқариш тизими, алоқа воситалари ва матнли процессорларни оловчи амалий дастурий та'минотга қаратилади.

Ахборот маҳсулотларининг бозори ва унинг таркиби

Жаҳон ахборот бозорлари. Жаҳон бозорида ахборотни қуйидаги

асосий секторларга бўлиш мумкин:

1) **Ишбилармонлик ахбороти сектори** (биржа, молиявий, тижорат, иқтисодий ва статистик) қуйидагиларни қамраб олади:

- биржалар, биржа ва молия ахбороти махсус хизматлари, брокер компаниялари берадиган қимматбаҳо қоғозлар, валюта курслари, ҳисоб ставкалари ва котировкалари, товарлар ва капиталлар бозорлари, инвестициялар, нарх-наволар ҳақидаги биржа ва молиявий ахборот ва ҳоказолар;

- иқтисодий ва статистик ахборотни—давлат хизматларини, шунингдек шу соҳадаги тадқиқотлар, ишланмалар ва консалтинг билан банд компаниялар тақдим этадиган динамик, башорат моделлари ва баҳолар кўринишидаги рақамли иқтисодий, демографик ва ижтимоий ахборотлар;

- махсус ахборот хизматлари берадиган иқтисодиёт ва бизнес соҳасидаги янгиликлар;

- компаниялар, фирмалар, корпорацияларнинг асосий фаолият йўналишлари ва ишлаб чиқарган маҳсулотлари, нархлари, молиявий аҳволи, алоқалари, олди-сотди битимлари ва раҳбарлари ҳақидаги тижорат ахбороти.

2) **Фан—техника ва махсус ахборот сектори.** Фундаментал ва амалий фанларнинг барча тармоқлари, та'лим, маданият ва инсон фаолиятининг бошқа соҳаларидаги библиографик, рефератив ва ма'лумотнома ахборотини, кутубхона ва ихтисослашган хизмат орқали бошланғич манбаларга эга бўлишни, матнли ма'лумотлар, тўла ҳажмли нусхалар, микрофилмлар, касб бўйича ахборот ва хўжалик мутахассислари учун махсус ма'лумотлар олиш имкониятини та'минлашни қамраб олади.

3) **Исте’молчилик ахбороти сектори** янгиликлар хизмати ва матбуот ахбороти, ма’лумотнома адабиётлар, қомуслар, оммавий ва қизиқарли ахборотни қамраб оладик, улардан бўш вақтда, уй шароитида фойдаланилади. Бу сектор шунингдек, маҳаллий янгиликлар, об-ҳаво, транспорт қатновли жадвали ва ҳоказоларни ҳам ўз ичига олади.

Иқтисодий ахборотнинг тузилиши ва туркумланиши

Ўтган асрнинг ўрталаридан бошлаб ахборот умумиллий тушунча ҳисоблана бошланди ва у қуйидагиларни ўз ичига олади: одамлар орасида, одам билан автомат орасида, автомат билан автомат орасида ахборотлар алмашинуви; ҳайвонот ва ўсимлик дунёсида сигналлар алмашинуви; ҳужайрадан ҳужайрага, организмдан организмга белгиларни узатиш ва бошқалар.

Иқтисодий ахборот – бу жамиятдаги ишлаб чиқариш муносабатларини характерловчи ахборотлардир [6. (17), 2-расм]. Унга иқтисодий тизимларда айланиб юрадиган ма’лумотлар, я’ни ишлаб чиқариш жараёнлари, молиявий жараёнлар ҳақидаги ҳамда бошқаришнинг турли тизимларида ўзаро алмашииб турадиган ва иқтисодий характерга эга бўлган ма’лумотлар киради.

Иқтисодий ахборотларга – қуйидаги талаблар қўйилади:

- **аниқлик**, у ахборотни ҳамма фойдаланувчилар томонидан бир хил қабул қилинишини та’минлайди;


• **ишонччилик**, бу талаб қаралаётган тизим ишлаш самарадорлигини сақлаб турганда кирувчи ва натижавий ахборотнинг ўзгариши мумкин бўлган чегараларини аниқлайди;

• **тезкорлик**, шароит ўзгарганда зарур ҳисоблашлар ва қабул қилинаётган қарор учун ахборотнинг долзарблигини кўрсатади.

Бошқарувнинг функцияси бўйича иқтисодий ахборот қуйидаги гуруҳларга бўлинади:

- режага ва қайд қилишга оид ахборот;
- ме'ёрга, ёрдамчи ма'лумотларга оид ахборот;
- ҳисобот – статистикага оид ахборот.


Иқтисодий ахборотнинг бошқарув поғонаси (пайдо бўлиш жойи) бўйича таснифлаш, уни **кириш ва чиқиш ахборотларига** ажратиш тушунилади.





2-расм. Бошқарув тизими тузилмаси

Кириш ахбороти – бу корхонага (тузилманинг бўлинмасига) ташқаридан келадиган ахборот бўлиб, ундан иқтисодий ва бошқарув функцияларини амалга ошириш, ҳамда бошқарув масалаларини ҳал қилиш учун бирламчи (бошланғич) ахборот сифатида қабул қилинади.



**Ахборотларни
йиғиш, қайта
ишлаш ва сақлаш**

8 бит = 1 байт 0 ёки 1 рақамларидан
иборат сонлар комбинацияси

1 Килобайт (Кб) = 1024 байт =
 2^{10} байт

1 Мегобайт (Мб) = 1024 Кбайт = 2^{20}
байт = 1048576 байт

1 Гигабайт (Гбайт) = 1024 Мбайт = 2^{30}
байт = 1073741824 байт


1 Терабайт (Тб) = 1024 Гбайт =
 2^{40} байт = 1 099 511 627 776 байт.

1 Петабайт (Пб) = 1024 Тбайт = 2^{50}
байт
= 1 125 899 906 842 624 байт.

**Ахборотларни қайд
қилиш жараёнига
кўра**

Белги

Сўз



3-расм. Иқтисодий ахборотнинг берилиш усуллари.

Чиқиш ахбороти – бу бир бошқарув тизимидан бошқасига кирадиган ахборот. Бир ахборотнинг ўзи ундан фойдаланувчи бир тузилмавий бўлинма учун кириш ахбороти бўлса, уни тайёрлаган бошқа бўлинма учун чиқиш ахбороти бўлиб хизмат қилиши мумкин.

Ахборот технологиялари иқтисодий масалаларни ҳал қилишда қуйидаги жараёнларни ўз ичига олади: ахборотларни йиғиш ва рўйхатдан ўтказиш; ахборотни тартиблаш, таҳлил қилиш ва узатиш; маълумотларни кодлаштириш; маълумотларни кодлаш ва узатиш; иқтисодий ахборотларни қайта ишлаш; ахборотни чоп этиш ва ахборотдан фойдаланиш; қарор қабул қилиш, бошқариш таъсирини ишлаб чиқиш.

Иқтисодий ахборотга электрон ишлов бериш технологияси дейилганда бошланғич ахборотни натижавий ахборотга айлантириш мақсадида кетма-кет қилинадиган ўзаро боғлиқ операцияларни бажаришнинг инсон-машина жараёни тушунилади.

Машинадан ташқаридаги ва машина ичидаги ахборот та’минотининг тавсифномаси

Ахборот та’миноти дейилганда – автоматлаштирилган ахборот тизимларининг энг муҳим элементи сифатида бошқарилаётган об’ектнинг ҳолатини та’рифловчи ва бошқарув қарорини қабул қилиш учун асос булувчи ахборотларни акс эттирилиши тушунилади.

Бизга ма’лумки иқтисодий ахборотлар хусусиятлари ахборотни: долзарблигига; ишончлилига; киришнинг оддийлиги ва ахборотни излаш тезликлари билан ажралиб туради.

Фойдаланувчи томонидан ечилаётган иқтисодий ахборот масаласини ҳал қилиш жараёнида ахборот та’миноти тушунчаси долзарб ҳисобланади.




4-расм. Ахборот та’миноти турлари

Машинадан ташқаридаги ахборот



5-расм.



6-расм.

Дастлабки ахборотлар, машинадан ташқари муҳитда, бошқарувчи шахснинг қарор қабул қилиш жараёнида ҳосил бўлади (4-расм).

Машинадан ташқаридаги ахборот та'миноти ва машина ичидаги ахборот та'миноти таркибий тузилиши 5-6 расмларда келтирилмоқда.

Энди ахборотларга ишлов бериш тизимининг схемасини келтирамыз.

**Номашинавий ахборот
базаси**



Ахборотларни тўплаш,
ҳисобга олиш ва
машиналарнинг ахборот
ташувчиларига ўтказиш



Ахборотларни
компьютерга киритиш,
текшириш, бирлаштириш



Машинанинг ички
маълумотлар базасини
яратиш ва ишлатиш



Функционал
масалалар қуйи
тизими



Компьютерда
ахборотларга ишлов
бериш (жамлаш,
саралаш, ўзгартириш,
арифметик ва мантиқий
ишловлар бериш)



Ҳисоблаш
жараёнларини
ташқил этиш-
бошқариш



Ахборотларни чиқариш





7-расм. Ахборотларга ишлов бериш тизимини принципиал схемаси

Таянч иборалар ва сўзлар: Ахборот; Фалсафада ахборот; Кибернетик нуқтаи-назарида ахборот; ахборот назариясида ахборот; Ахборотнинг та’рифи; АТ информатиканинг таркибий қисми; ахборот ресурлари; ахборот стратегик ресурс; ахборот ресурслар турларидан бири сифатида; ишбилармонлик ахбороти сектори; исте’молчилик ахбороти сектори; иқтисодий ахборот; ахборот та’миноти; ахборот—ресурс турлари сифатида.

Интернет порталлар ва сайтлар

<http://www.gov.uz>- Ўзбекистон Республикаси ҳукумати портали.

<http://www.ziynet.uz>- ахборот ресурслари

<http://www.ziyo.edu.uz>- ОЎМТ Вазирлиги Веб-сайти

<http://www.tsue.fan.uz> - ТДИУ Веб - сайти

http://vit.iatp.bu/software/s2_0.htm - «Тизимли дастурий та’минот»

мавзуси бўйича электрон қурилма.

<http://fio.info.ru/archive/grop13/clwu2/>- Excel электрон жадвалида иқтисодий масалаларини ечиш технологиялари.

<http://psbatishev.narod.ru/excel/prakt29.htm> - Excel электрон жадвалида иқтисодий масалаларини ечиш технологиялари.

[http:// ictcouncil.gov.uz](http://ictcouncil.gov.uz) – Компьютерлаштиришни ривожлантириш бўйича Вазирлар маҳкамаси мувофиқлаштириувчи Кенгашинг сайти

<http://search.re.uz> –Ўзбекистонинг ахборотларни излаб топиш тизими.

<http://info.webcrawler.com/mak/projects/robots/threat-or-treat.html>-
Обучение Интернет-профессиям. Search engine Expert.

http://searchengine.narod.ru/archiv/se_2_250500.htm-Дидактические материалы по информатике.

<http://www.comp-science.Narod.ru> ва <http://comp-science.Narod.ru>

Хулоса

Компьютерларни ишлатиш фаолиятида эса ахборотдан бошқариш функцияларини амалга оширувчи объект сифатида фойдаланилади. Ахборот тушунчаси маълумот тушунчаси билан узвий боғланган, лекин ҳар қандай маълумот ахборот бўлавермайди.

Иқтисодий ахборот тузилиш нуктаи назаридан иккига бўлинади:

1. физик тузилиш
2. мантиқий тузилиш

Физик тузилиш иқтисодий ахборотни турли хил ташувчиларида жойлашишини ифодалайди.

Мантиқий тузилиш эса ахборот бўлаклари ўртасидаги ўзаро муносабатларини ифодалайди.

Физик тузилишни ўрганиш учун информатика соҳасига тегишли бўлган махсус фанларни ўрганиш талаб қилинади. Шунинг учун ҳам биз мантиқий тузилишни ўрганиш билан чегараланамиз.

Мантиқий тузилишга кўра ахборот қуйидаги бўлаклардан ташкил топади:

1. Ахборот тизими.
2. Ахборот оқими.
3. Ахборот массиви.
4. Кўрсаткич.
5. Реквизит.

Ҳозирги кунга қадар ахборот туркумланишининг ягона тизими яратилган эмас. Умумий ҳолда иқтисодий ахборот қуйидаги белгиларга кўра гуруҳларга ажратилади.

1. Бошқариш функцияларига кўра:

- а) режалаштириш,
- б) ҳисобот олиш,
- в) назорат қилиш,
- г) иқтисодий таҳлил.

каби ахборот гуруҳларига бўлинади.

Ҳозирги кунда ахборот ташувчилар қуйидаги белгиларга кўра туркумланади.

1. Фойдаланаётган моддий асосга кўра қоғозли ва магнитли ташувчиларга кўра бўлинади.

Қоғозли ташувчиларга бирламчи ҳужжатлар, перфокарта, перфоленталар мисол бўлади.

Магнитли ташувчиларга эса, магнитли диск, магнитли барабан, магнитли лента, магнитли карталар мисол бўлади.

2. Маълумотлар ўқилиш хусусиятига кўра: инсон - машин, ва машина ўқийдиган ташувчиларга бўлинади.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. А.Т. Каримов, Г. Н. Абрашина, Г.А. Назарова “Халқ хўжалигида АБС яратиш асослари”. Т.:”Ўзбекистон”. 1992 йил.
2. М. Икромов “Автоматлаштирилган бошқариш системалари”. Т.:”Ўқитувчи” 1992 й.
3. Р. А. Абдуллаев, В. И. Абдулкаримов, Н. А. Ибрагимов “Иқтисодий ахборотни ишлашнинг автоматлаштирилган тизимлари”. Тошкент “Ўқитувчи” 1993.
5. “Бошқарув жараёнларининг ахборотли технологияси”. Ўқув қўлланма. 1994 йил.
7. Абдуллаев Р. А., Ибрагимов. “Иқтисодий ахборотни ишлашнинг автоматлаштирилган тизимлари”. Тошкент – 1995.
8. Алимов, Абдувоҳидов. «Бошқарув жараёнларининг ахборотли технологияси». Ўқув қўлланма. Тошкент: 1994.
9. “Компьютерные технологии обработки информации”. /Под редакцией С. В. Назарова /М. :Финансы и статистика. 1995 й.
10. А.Р. Марахимов, С.И. Рахмонқулова. Интернет ва ундан фойдаланиш асослари / Ўқув қўлланма. Тошкент. 2001.
11. М. Пайк и др. Internet С.-Петербург. 1995. 635 с.
12. Арипов М. Internet ва электрон почта асослари. ЎзМУ. 2000. 126 б.
13. Б. Фок. Internet сначала. Питер:1995. 250 с.
14. С.С.Гуломов ва б. «Ахборот тизимлари ва технологиялари». 2000.
15. Алексей Гончаров. Самоучитель HTML, 2001.

16. А.В.Гордеев, А.Ю.Молчанов. «Системное программное обеспечение» (Учебник), 2001.
17. Академик С.С. Гуломовнинг умумий тахрири остида. «Миллий иқтисодда ахборот тизимлари ва технологиялари». Ўқув қўлланма. Тошкент 2004.
18. “Экономическая информатика и вычислительная техника” Под редакцией В. П. Косарёва и А. Ю. Королёва. Москва “Финансы и статистика”, 1996 год.
19. А. М. Карминский, П. В. Нестеров . “Автоматизация бизнеса” Москва: “Финансы и статистика” 1997 год.
20. В. П. Косарёва, А. Ю. Короткова. “Экономическая информатика и вычислительная техника” Москва 1996 год.
21. Гуломов С. С., Шермухаммедов А. Т., Бегалов Б. «Иқтисодий информатика». - Т.: Ўқитувчи, 1999.
22. Абдувоҳидов А. М., Позилов Б. К. «Замонавий ахборот технологияси». - Т.: 1999.